



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (11.761)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Юртимизда ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга  
етиши учун зарур барча шароитлар яратилмоқда.  
Жаҳон андозалари даражасида янги ўқув  
масканлари қад ростлаб, мавжудлари тўлиқ  
таъмирдан чиқарилаётгани ҳам ўғил-  
қизларимизнинг таълим-тарбия олишига пухта  
замин ҳозирламоқда.**

2010 йил — Баркамол  
авлод йили

### ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Шайхонтохур туманинда Республика рассомлик коллежи Мустақиллигининг кутугл 19 йиллиги арафасида бутунлай янги қиёфада тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишига топширилди.

Халқимиз санъати қадимий анъаналарга бой. Юртимизда азалазалдан бадий ижод севиб-ардоқлаб келинган. Тасвирий ва амалий санъатнинг малакали мутахассиси бўлиб этиши ўзлаштириш каторида анъаналарни ҳам муқаммал ўрганмоқ лозим.

Янги-янги иқтидор ва истеъоддларни кашф этиб келаётган Республика рассомлик коллежида санъатшунослик, рангтасвир, графика, хайкалтарошлик, декоратив безакли амалий санъат каби бешта йўналишда 15 та ихтинос-

тасвирий санъати тизимида ўзига хос муносиб ўринга эга. Бу масканда жаҳон тасвирий санъати ривожига муносиб хисса юшган Р. Аҳмедов, А. Абдуллаев, Н. Кўзибов, Р. Чориев, Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, А. Мирзаев, Р. Худойберганов каби машҳур рассомлар таҳсил олган. Коллеж Жанубий Корея, Вьетнам, Словакия каби бир котир чет давлатлар билан алоқа боғланган. Ўзаро тажриба алмашарни ўртоқлашиш янги-янги иқтидор ва иштедорларни кашф этишига хизмат қилмоқда. Ўкувчиларнинг билим чўққиларини эгаллаш ўйладиги интилишлари кўплаб республика ва халқаро қўрик-танловлар, фестивалларда нағоҳи бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Республика рассомлик коллежида тасвирий ва амалий санъат сарчашмаларини сабот билан ўрганиш учун ўшларни замонавий электрон хисоблаш приборлари билан таъминлаш давом этмоқда.

Шоира  
МУҲАМЕДОВА  
Козим ўлмасов  
олган сурат.

лик бўйича мутахассислар тайёрланади. — Янги ўқув йилида ўкувчиларимизни бутунлай янги шароитда кутиб олдик,— дейди коллеж директори ўринбосари Алишер Ўраев. — Коллежимиз замонавий тарзда таъмирдан чиқарилди, ўқув хоналари, спорт зали янги ускуналар билан жихозланди. Мутахассислик фанларидан кафедра тизимида ўтилди, йўналишлар бўйича ҳам алоҳида кафедралар ташкил этилди. Бўлажак хайкалтарошлар учун лаборатория, боршқа маҳсус хоналар таҳт қилинди. 840 нафар ўкувчига юздан зиёд ўкутичви сабок бермоқда. Улар орасида академиклар, фан арబлари, етук рассомлар, таникли санъат усталири, ўз соҳасининг билим-донлари кўп.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизи, ушбу коллеж Ўзбекистон

тасвирий санъати тизимида ўзига хос муносиб ўринга эга. Бу масканда жаҳон тасвирий санъати ривожига муносиб хисса юшган Р. Аҳмедов, А. Абдуллаев, Н. Кўзибов, Р. Чориев, Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, А. Мирзаев, Р. Худойберганов каби машҳур рассомлар таҳсил олган. Коллеж Жанубий Корея, Вьетнам, Словакия каби бир котир чет давлатлар билан алоқа боғланган. Ўзаро тажриба алмашарни ўртоқлашиш янги-янги иқтидор ва иштедорларни кашф этишига хизмат қилмоқда. Ўкувчиларнинг билим чўққиларини эгаллаш ўйладиги интилишлари кўплаб республика ва халқаро қўрик-танловлар, фестивалларда нағоҳи бўлмоқда.

Ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш орқали энергияни тежаш сиёсатини босқичма-босқич амалия ошириш ҳамда мавжуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот

танинхини пасайтириш ва иқтисодиёт тармоқларининг техник-иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини бермоқда. «Ўзбекенерго» давлат акциядорлик компанияси энергия йўқотишни ва электр тармоқларига хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини берадиган электр энергияси хисобга олишнинг замонавий электрон хисоблаш ускуналарини ўрнаш бўйича самарали ишларни амалия оширимоқда. Шу мақсадда электр энергияси истеъомлини автоматаштирилган хисобга олиш ва назорат қилиш бўйича маҳсус тизим ишлаб чиқишиб, амалиётга жорий қилинёт.

(Давоми 3-бетда).

✓ ТОШКЕНТ автомобиль ва йўллар институтида ўкутичилар ҳамда транспорт соҳаси мутахассислари иштирокида соҳани ривожлантириша инновацион форялар ва технологияларнинг ахамиятiga бағишиланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ ЮНОСОБОД туманинда таълим-тарбия соҳасида замонавий усуллардан кенг фойдаланиш масаласига бағишиланган семинар уюштирилди. Таъбир доирасида мусассаса тарбияланувчилари учун Республика кўричоқ театри жамоаси томонидан янги спектакль намойиш этилди.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимигининг Ахборот хизмати ва ўз мурбилираримиз хабарларидан

**XXI садоси**  
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- АВВАЛ ХАБАР ҚИЛинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули бердимуҳамедовнинг таклифига биноан, 19-20 Октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

- Олий Мажлис Сенати ва Тошкент шаҳар ҳокимиги ҳамкорлигида «Вояга ётмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқузарларининг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонуни мазмун-моҳиятига бағишиланган семинар бўлиб ўтди.

- «Камолот» ёиҳа Марказий Кенгашида Республика «Камалак» болалар ташкilotининг VII раёсат йигилиши бўлиб ўтди. Унда ташкilotнинг ўтган олти ой мобайнида эришган ютуклари ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил этилди.

- Каттакўрғон шаҳрида Президентимиз тақвимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августда кабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганинг ўн тўқиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишиланган семинар ўтказилди.

- Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Тошкент Фотосуратлар уйида Таиланд Қироллиги маликаси Маха Чакли Сиринорнинг VII раёсат йигилиши бўлиб ўтди. Унда ташкilotнинг ўтган олти ой мобайнида эришган ютуклари ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил этилди.

- Андижон шаҳридаги Қўшарик даҳасида замонавий тиббиёт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Саломатлик институтининг вилоят филиали ҳамда қон куйиш, ОИТСга қарши куаш ва тиббиёт ахборот-ресурс марказлари жойлашган ушбу мажмуя замонавий тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланган.

- Фарғона вилояти Дангарга тумани «Матлуботсавдо» акциядорлик жамияти томонидан Тўлабой, Кумкяли, Урганжи каби чекка қишлоқларда 17 та савдо шохобчалини фаолияти йўлга кўйилди. Ушбу мақсадлардаги жамият томонидан 250 миллион сўмликка яқин маблаг сарфланди. Таъкидлаш жоизки, ушбу шохобчаларда сотилаётган 250 хилга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳалқ истеъомли моллари, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.



### ЖАҲОНДА

- Франция, Россия ва Германия етакчилари «катта учлик» шаклидаги консультацияларни қайтадан бошлайдилар.

- Россия ва Польша газ етказиб бериш юзасидан ҳукуматлараро битим лойиҳаси бўйича ўзаро келишиб олди.

- Афғонистон президенти Ҳамид Карзай бир неча хорижий кўриклиш фирмалари мамлакатда фаолиятини давом этириш учун руҳсат берди.

- Франция Соглини сақлаш вазири жорий йилнинг декабрь ойидан 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча фуқароларга ОИВ (Одам иммунтансислиги вируси)га қарши тиббий кўриклидан ўтишини тавсия этилди. Мазкур текширув вазири томонидан ишлаб чиқилган ОИВ/ОИТСга қарши куаш миллий дастури доирасида амалия оширилади.

- Мир пойтакти Коҳира шаҳрида йирик йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Енгил машинининг бекатда автобус кутиб турган одамларни уриб юбориши 11 киши ҳаётдан кўз юмган, 18 киши тан жароҳати олган. Фалокат ҳайдовчининг автомобилини бошқара олмай қолгани туфайли келиб чиқкан.

- «National Geographic» жамияти томонидан ташкил қилинган экспедиция Хиндистон шимоли-шарқидаги Арунчал-Прадеш штатида илгари фанга маълум бўлмаган, хитой, тиббий ташкиларига яқин тилни кашф килди. Коро деб аталаидиган ушбу тилда 800 га яқин одам гаплашар экан. Коро дунё тилшунослиги қайд қилинган 6909 тил бўлди.

- Гарбий Европа мамлакатларида бўлиб ўтган «Euvromillions» лотерея ўйинида Британия фуқароси рекорд суммани ютиб олди. Таъкидлаш жоизки, 113 миллион фунт стерлинглик ютуқ нафақат «Euvromillions» тарихида, балки бутун Британия лотерея ўйини тарихидаги битта билет билан ютиб олинган энг йирик суммадир. Голибининг кимлиги ҳозирча маълум қилинмаяпти.

# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ:

## истикбол ва режалар

Нишондорларимиз

### МЕҲНАТНИНГ Рағбати

**Меҳнатнинг роҳатини кўриш, унинг рағбатлари га сазовор бўлиш, жамоада, эл-юртда эъзоз топиш ҳар бир инсонни фахрлантирибгина қолмай, ана шундай ишончни оқлашга ундаиди. Бунинг учун бажарилаётган ишга сидқидилдан ёндошиш, ўз касбини астойдил севиши лозим.**

Юнусобод тумани ободонлаштириш бошкормасида 18 йилдан бўён меҳнат қилиб келаётган Мавлуда Ядгарова Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига кўра «Шуҳрат» медали сохибига айланганини фикримизнинг ёрқин далидид.

Мавлуда опа ҳар куни тонг ёришмасдан ишга отланади. Бо-

шқалар ишга отланган вақтда у ўзининг асосий вазифасини бажариб, бириклирган худуд озодалиги, саронжом-сараштагини таъминлади. Шунинг баробарида бригада сардори сифатидаги 28 нафар ходимга вазифалар беради, иш сифатини назорат қиласди.

— Озодаликка, покизаликка нима етсин, — дейди Мавлуда Яд-



### ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ДЎСТЛИК ВА АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг дўстона ва самараҳи ҳамкорликнинг улкан таърихисига ёналишига мулжалланган дайлатларо, ҳукumatларо ва идораларо даражадаги 10 дон ортиқ ҳалқаро шартномалардан изборат салмоғли ҳуқуқий-шартномавий хуҷжатларда ўз аксини топган.

Иккى томонлама савдо-иктисодий муносабатлар борсисида сўз кетганд, уларнинг жадал суръатларда ривожланганинг таътифларни кайди. Ишларни ўзбекистон Туркманистонга кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш моллии, қышлоқ ҳўжалиги техники, металлдан тайёрланген ашёлар, маҳданий ўтилар, асбоб-ускуна ва транспорт воситаларини экспорт қиласди. Ўз навбатида, Туркманистондан бизга нефть маҳсулотлари, пластмасса ва ўндан тайёрланган маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш, ноорнинг кимёвий воситалар келтирилди.

Ўтган йил маҳмалатларимиз ўртасидаги ташки савдо айланмаси 2008 йилдагига нисбатан 39,2 фюзга ошиди ё 185,7 миллион АҚШ долларини (2008 йилда — 1323 миллион АҚШ доллар) ташкил киласди. 2010 йилнинг ярийиллиги якунига кўра, ўзаро савдо айланмаси 75,7 миллион АҚШ долларига етди. Иккى мамлакат ўртасидаги мавжуд имкониятлар салоҳияти ва ҳар иккала томоннинг мазкур соҳадаги шерикчиликни янада ривожлантириши борсасидаги сайди-харакатлари, шунингдек, 2010 — 2012 йилларга мулжалланган иктиносий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни тўлақонли амалга ошириш яхни келажақда савдо-иктисодий ва иккита томонлама савдо айланмаси кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши билан ахамиятидир.

Ўзбекистон таърихи ҳукumatлараро комиссионинг қизғин фаoliyati иккита томонлама савдо ва иктиносий муносабатларнинг келгуси ривожланниши жараённида мухим роль ўйнайди. Ўзбекистон таърихи 2010 йилдаги газ ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш бўйида илгор мамлакатлар каторига киради ва шу жиҳаддан, ҳор иккя давлатнинг нефть ва газ соҳаларида жадал ривожланиши жараёнлари кечмоқда. Бутун дунёда энергия манбалирига этих ѡшаётган бугунги кунда иккада давлатнинг таърихида ишлаб чиқарилади. Нефть ва газ соҳаларида ҳар иккя давлат билан ҳамкорлик қилиши билан ахамиятидан юз юмушларини амалга оширишмоқда.

### Транспорт

## ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗФИН

Режа асосида мавсум тадоригини олиб бораётган «7-автобус сарой» акциядоги жамиятида кўзда тутилган ишлар ниҳоясига етмоқда. Бу борада мутасаддилар, мутахассислар, ҳайдовчилар созловчиларнинг ҳиссаси катта. Бир максад — йўловчиларга намуналини хизматни ташкил этиш ўйлида интилаётган транспортчиликларни киши мавсумига транспорт воситаларини тўлиқ таҳт қилиш, керакли эхтиёт қисмларни тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Бу ҳаракат союқ кунларда ноҳуҳ юлатларнинг олди олинишида, ишда узилишлар бўлмаслигида мухим ахамият касб этади.

— Корхонамизда 500 нафардан зиёд ишчичизматчи меҳнат қиласди, — дейди жамият бошқаруви раиси Рустам Мамаримов. — Кунинга 128 та турли русумдаги автобуслар хизматга шайланади. Уларнинг техник ҳолати созлигини таъминлашда, ҳайдовчиларнинг саломатлигини назорат қилишда масъулиятни унутмаймиз. Кейинги йилларда ҳаракат таркибини янгилашга алоҳида эътибор қаратади, бу кўрсатилётган хизмат сифатида яққол кўринмоқда. Барча кўрсатичлар бўйича кўзда тутилган ишларни муваффақиятли уздалаётган ҳайдовчиларнинг сифатида шуғулланади. Шунингдек, ёш кадрларни тайёрлашга ҳам алоҳида ҳаракат берилади. Узок йиллар мунтазам килаётган таъриби ҳайдовчиларнинг касб сир-асрорларни шогирдларига эринмай ўргатишмоқда.

Хозирги кунда транспортчиликлар 13 йўналиш бўйича шахримизнинг турли худудларига хизмат кўрсатади. Ўтган йилда транспорт воситаларининг таркибини янгилашга эътибор қаратиб, 31 та янги автобуслар йўналишларга кўйилди. «Олой» бозори — «Карвон» бозори йўналиши бўйича янги 141-автобус қатнови ташкил этилганда ҳам йўловчиларга алоҳида кулагида бўлди. Хозирда кунинг 10 та «ISUZU» автобуслари ушбу йўналишда мунтазам қатнамоқда.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, автобусларнинг бехатар ҳаракатини таъминлашда уларнинг соглиги мухим ахамият касб этади. Корхонанинг барча шароитларга эга таъмилаш участкасида меҳнат қилаётган 50 нафарга якин созловчининг бу борадаги хиссаси катта. Улар кечеюн кундуз, уч сменада меҳнат қилиб, таркибаги транспорт воситаларида содир бўлган носозликларни таъмилаш ишларини пухта бажариштади.

Кишининг кировли кунлари олдидан мавсум таъридудан шахримизнинг низомига мувофиқ босха ҳуқувларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Рахим ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
Мирзо Улугбек тумани  
ХУЖМШ уюшмаси раиси

Шарофат БАҲРОМОВА

## ШИРКАТ ҲУҚУҚЛАРИ

мөнӣ шахслар билан танлов асосида конун ҳуқувларига мувофиқ шартномалар тузиши;

— умумий мол-мулқдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулқидан фойдаланиш қоидаларини уставда назарда тутилган тартибда белgilash;

— банкларнинг кредитларидан конун ҳуқувларида назарда тутилган тартибда ва шартларда фойдаланиш;

— ўз мол-мулқини, шу жумладан, айланма маблагларини конун ҳуқувларига мувофиқ мустақил тасаруф этиш;

— ер участкаларини доимий фойдаланиш учун белgilash;

— ер участкасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ жўхалик бинолари ва бошқа иморатлар куриш;

— мулқорнинг жойи ичидаги умумий мол-мулқнинг ҳолатини назорат қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмилаш мақсадидан мулқорнинг олдиндан хабардор кўлгач, мулқорнинг жойига унинг борлигига кириш ёки авария юз берган таъкидда белgilash;

— умумий мол-мулқни ва ширкатнинг мол-мулқини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмилаш, шунингдек коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ҳамда жис-

тида дарҳол кириш;

— конун ҳуқувларидан белгиланган тартибда мол-мулқ олиш; ширкатнинг мол-мулқини сотиш, топшириш, айрорашлаш, ижарага бериш, балансдан чегириб ташлаш;

— ширкат аъзоларига ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

— конун ҳуқувларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган дойраларда тадбиркорлик фаoliyati билан шуғулланиш;

— маблагларни ширкат уставидан назарда тутилган максадларга сарфланадиган махсус фонdlарни ташкил этиш;

— ширкат умумий мол-мулқини асрарни таъминлаш мақсадидан мулқорнинг жойларига ҳаракатни таъмилашда уларнинг соглиги мухим ахамият касб этади. Корхонанинг барча шароитларга эга таъмилаш участкасида меҳнат қilaётган 50 нафарга якин созловчининг бу борадаги хиссаси катта. Улар кечеюн кундуз, уч сменада меҳнат қилиб, таркибаги транспорт воситаларида содир бўлган носозликларни таъмилаш ишларини пухта бажариштади.

Ширкат конун ҳуқувларига ва ширкатнинг низомига мувофиқ босха ҳуқувларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Рахим ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
Мирзо Улугбек тумани  
ХУЖМШ уюшмаси раиси



Хусусий уй-жой мулқорлари ширкатининг ҳуқувлари нималардан избор? Шу ҳақда бағаси мъалумот берсангиз.

Шарофат Муродова,

Дилдора Ҳасанова,

Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасиning «Хусусий уй-жой мулқорларининг ширкатлар тўғрисида»га Конуни 15-моддасида кўрсатилишича, ширкат кўйидаги ҳуқувларга эга:

— умумий мол-мулқни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулқини саклаш усулини белgilash;

— ширкатнинг ийлилк даромадлар ва ҳаражатлар сметасини белgilash;

— ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорларини белgilash;

— умумий мол-мулқни ва ширкатнинг мол-мулқини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмилаш, шунингдек коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ҳамда жис-

...

«Жаҳон» А.

## ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши  
1-бетда).

«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлигни компаниясидан маълум қилишларича, деб хабар беради ўза, «Ўзбекистон энергия тизимида электр энергияси истемолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими жорий этиш» лойиҳасининг биринчи боскичини амалга ошириш доирасида 2010 йилнинг 9 ойи якунига кўра, компания хўжалик субъектлари тармоқларида 200 минг, маший секторда эса 1,7 миллиондан ортиқ замонавий электрон ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган 380 корхонада электр энергияси истемолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилишинг махаллий тизимлари яратилган.

Электр энергияси истемолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими жорий килиш ишлари 2011 йилга қадар давом этади. Бу технологик йўқотишларни камайтиришни, электр энергияси етказиб беришнинг бутун бўғинлари бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилишини таъминлайди. Тизимнинг шаклланган кулай иш тартиби ёқилиғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимиз энерге-

тика тармоғининг барқарор ишларини таъминлашмақсадида компаниянинг корхона ви ташкилотлари тайёрланётган ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар таннархини пасириши бўйича чорадбирларни ишлаб чиқди. Натижада жорий йилнинг тўқиз ойи мобайнида маҳсулот таннархи 11,3 фоизга пасайди, маҳаллийлаштириш асосида 125,7 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, ўтган даврда «Ўзбекэнерго» компанияси корхоналари ишлаб чиқариши фаолиятининг башшор кўрсаткичларини тўла бажарди. Жумладан, тармок бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми башшоратга нисбатан 101,7 фоизни, ўшиш суръатлари 103,6 фоизни ташкил этди. Истемолчиларга тузилган шартномаларда кўрсатилган ҳажмда электр энергияси етказиб бериш таъминланди.

Компанияда энергия тизими куз-киш мавсумига тайёрлаш мақсадида тармоқ оид тадбирлар, асосий энергия ускуналарини таъмирлаш жадвали ишлаб чиқилиб, электр стансиялари ва тармоқларини қишиш шароитида ишлана тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия ташкил этилди. Бу борада белгиланган ишлар якунига етказилмоқда.

Мехрибон МАМЕТОВА

Бугун жаҳон фармацевтика саноатида фойдаланилаётган препаратларнинг ярми табиии бирикмалар асосида яратилган. Безарар ва юқори самарадорликка эга бундай шифо воситаларига эътиёж тобора ортмоқда. Бу эса илм-фанинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, шифобаҳаш гиёҳлардан табиии бирикмалар ажратиб олиш ва улардан амалда самарали фойдаланиш борасидаги ишларни янада ривожлантиришини тақозо этаётир.

### Қарор ва ижро

## ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган табиии бирикмалар кимёси ишлаб чиқариши фоалиятининг долзарб масалаларига багишланган илмий анжумандан шу хақда гап борди. Тадбирда юртимиз олимлари, кимёгар, фармацевт, фармаколог ва биолог мутахассислар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари билан бир қаторда Россия, Франция, Озарбойжон, АҚШ, Грузия ва Латвиядан келган мутахассислар ҳам иштирик этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Ш.Солихов давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараённида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, янги ишламалардан фойдаланиш кўлуми кенгайиб бораётганини aloҳида таъкидлadi. Давлатимиз раҳбарининг инновациян лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишини разбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирларга оид қарор табиии бирикмалар кимёси ва тех-

ниологиясини такомиллаштириша ўйнолтирилган ўттизга яқин давлат гранти ва бир неча ҳалқаро лойиҳалар бўйича олиб бораётган илмий изланишлар ҳам яхши самаралар бермоқда.

Биз ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти билан 15 йилдан бўён ҳамкорлик қилиб келмоқдамиш, – деди ўзА мұхбираға Франциянинг «Лактосан» фирмаси президенти, ветеринария фанлари доктори Ҳарол де Помье. – Мазкур институт олимлари томонидан табиии бирикмалар асосида яратилган маҳсулотлар сифати европали мутахассислар ва саноатилар томонидан юксак баҳоланаши. Улардан косметология маҳсулотлари ишлаб чиқаришида самарали фойдаланилмоқда. Олимларингизнинг илмий салоҳияти кундан-кун юксалётгани юртингизда илм-фан ривожи учун барча шарт-шароитнинг яратилганда берилганида, деб биламан.

Анжумандан ўсимлик моддалари кимёсининг долзарб масалалари, табиии бирикмалар кимёси, технологияси ва фармакологиясининг ютуқлари ва истикборлига оид маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА**

### Дастур ва ижро

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МУҲИМ БЎГИН

**«Экосан» ҳалқаро жамоат жамғармаси томонидан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Барқарор экология - келажагимиз» мавзусида жойларда учрашувлар ўтказилмоқда.**

Янада фаолроқ, онглироқ муносабатда бўлишига, соғлом турмуш тарзини ўзининг иштироки мисолида тарғиб қишлоғларига турли мавзуга оид тадбирлар албатта турткабўлади.

Тадбирда мамлакатимиз Конституциясининг экологияга бевосита алоқадор моддадарида белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ижросини амалга ошириш борасидаги саъи-ҳаракатлар ҳақида, бу борада қабул қилинган кўплаб қонун ва қонунисти хужжатларини ўрганиши, уларга тузатиш ва ўзгаришишлар кириши, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш бораси-

да амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

2005 йил 7 ноябрда Олий ва ўтура маҳсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирlikлari, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими янада такомиллаштириш истиқболлари дастури ва концепцияси тўғрисида»ги қўшма қарорни амалга жорий этиши борасида касб-хунар коллежлари ва академик лицеилар учун экология фанидан ўкув кўлланма, Низомийномидаги ТДПУ олимлари томонидан мактаб ўқувчилиари учун экология бўйича дарслик тайёрлаётганини ўтиборга мөллиқ. Бундай дарслик ва қўлланмаларни мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлари, оила ва маҳаллалар учун ҳам эколог олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида тайёрлаш кўзда тутилган.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**  
**«Экосан» ҳалқаро жамғармаси бўлим бошлиги**

ти катта ўқитувчиси Учқун Рахматов ўқувчиларга ўтиладиган экология дарсларидан ташқари, маънавият ва маърифат дарслари доирасида ҳам олимлар, экология амалиёти мутахассисларини томонидан сухбатлар, табиатни севиш хислатларини ўйнотувчи машғулотлар, танловлар, экотуристик саёҳатлар мунтазам ўюнтирилиб боришига асос бўлаётгани, ўз навбатида, ўшларнинг экологик онги ва маданияти мустахкамланиб боришида мухим омилга айланб бораётганини ўргу бериб ўтди.

Ёшларимизнинг экологик мутаммоларга чукур, қалб кўридаги тушунчалари билан

Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги Кўйидаги нотариус лавозимларига таълов ўтказишни КАЙТА ЭЗЛОН КИЛАДИ

Ташкил шаҳри Юнусобод тумани 11-девлат нотариал идораси – учун кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза
2. Паспорт нусхаси
3. Белгиланган шаклда тўлдирсанг шахсий варзак
4. Мехнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси
5. Талаборнинг малака имтихонини топширганини тақдим этиши

Шайхонтохур тумани 7-девлат нотариал идораси – 1 ўрин

Янада фармакологияни таълов ўтказишни КАЙТА ЭЗЛОН КИЛАДИ

Ташкил шаҳри Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 12-девлат нотариал идораси – 1 ўрин

Мирзо Улугбек тумани 7-девлат нотариал идораси – 1 ўрин

Шайхонтохур тумани 7-девлат нотариал идораси – 1 ўрин

Янада фармакологияни таълов ўтказишни КАЙТА ЭЗЛОН КИЛАДИ

Ташкил шаҳри Саймандар тумани 7-девлат нотариал идораси – 1 ўрин

Собир Рахимов тумани 7-девлат нотариал идораси – 1 ўрин

дан кўйирма) 6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фоалияти таъворидаги тавсифнома.

Ташкил шаҳри Йигирия беш ўттиздан кичик бўлмаган, олий юрдик маъмумоти, юрдик мутахассислик бўйича камидаги учил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малақа имтихонини топширган ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирик этиши мумкин.

(Хужжатларни тақдим этишининг охирги санаси 2010 йил 20 октябрь)

Манзил: Тошкент шаҳри, Саймандар тумани, 5-йи. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (иҷни) 183, 184, 185.

### ХОСЕ КАРРЕРАС:

## «ЎЗБЕКИСТОН – БАРЧА СОҲАЛАРДА ЖАДАЛ РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТ»

Аввал хабар қилинганидек, «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги доирасида 14 октябрь куни «Ўзбекистон» ҳалқаро анжуманлар саройида жаҳон опера юлдузларидан бири, испаниялик тенор Хосе Каррераснинг концертин бўлиб ўтди. ЎзА мұхбири машҳур санъаткорнинг мамлакатимиз ҳақиқидаги таассуротлари билан қизиқди.

Ўзбекистон – иқтисодий, маданий ва бошқа кўллаб солардан жадал ривожланётган мамлакат, – деди Хосе Каррерас. – Сафарим давомида кўрганларим орқали бунга яна бир бор амин бўлдим.

Тошкент жуда гўзал шаҳар экан. Пойтахtingизнинг кенг кўчалари, ям-яшил дарахтлар ва майсалар ҳар қандай инсоннинг баҳри дилини очади. Юртингизнинг илик тафти, хушумомла ва меҳмондўст ҳалқи мени ҳайратга солди. Гўзал юртингизнинг фуқаролари ҳам шурӯй ва тантан бўлади. Кўп миллатли ўзбекистонда истиқомат кулиучи барча мутахассислар сифати европали мутахассислар ва саноатилар томонидан юксак баҳоланаши. Улардан косметология маҳсулотлари ишлаб чиқаришида самарали фойдаланилмоқда. Олимларингизнинг илмий салоҳияти кундан-кун юксалётгани юртингизда илм-фан ривожи учун барча шарт-шароитнинг яратилганда берилганида, деб биламан.

Қайд этиш ўзики, маданият соҳасини ривожлантиришга қаратиладиган алоҳида ўтибор мамлакат ахолисининг турмуш фаровонлиги юксак эканидан далолат беради. Тошкентда бўлиб ўтган «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги таърихида ташкил этилди. Ушбу ҳафталини ўтказиш орқали дунёда мода ва санъатнинг турли ўналишларида мекнат қилаётгандиган ижодкорлар фоалиятини билан якидан таъниши, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, классик дурданлар ва замонавий мусика ихолосмандларини бир жойга тўплаш, ҳалқаро ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш, мустаҳкамлашва кенгайтириш имкони ўтказилганда диккатга сазовор.

Ҳар йили Европа, Америка ва Осиё мамлакатларида олтишига яқин концерт бераман. Бу менга турли ҳалқлар маданиятини билан якиндан таъниши, ўзаро тартиби таъниши, ҳалқаро ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш, мустаҳкамлашва кенгайтириш имкони ўтказилганда диккатга сазовор.

Ўзбекистонга келиш имкони туғилганидан жуда хурсандман. Аммо вақт тифизлиги туфайли сафарим жуда қисқа бўлгандан афсусдан. Мамлакатида экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими янада такомиллаштириш истиқболлари дастури ва концепцияси тўғрисида»ги қўшма қарорни амалга жорий этиши борасида касб-хунар коллежлари ва академик лицеилар учун экология фанидан ўкув кўлланма, Низомийномидаги ТДПУ олимлари томонидан мактаб ўқувчилиари учун экология бўйича дарслик тайёрлаётганини ўтиборга мөллиқ. Бундай дарслик ва қўлланмаларни мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлари, оила ва маҳаллалар учун ҳам эколог олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида тайёрлаш кўзда тутилган.

Нодира МАНЗУРОВА ёзигб олди.



**Кече Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларидан «Tashkent challenger-2010» мусобақаси якун топди. Учинчи марта пойтахтимизда ўтказилган Профессионал теннисчилар уюшмаси тақвимидаги бу турнирда дунёнинг 25 та мамлакати, шу жумладан биринчи юзликка киругчи кучли спортчилар қатнашиди.**

Финал учрашувлари натижаларига кўра, «Tashkent challenger-2010» турнири жаҳоннинг энг кучи юзта спортчи каторидан ўрин оладиган янги nomari кашф этиди.

Шоҳсупа учун сўнгти давра беллашви люксембурглик Гильес Мюллер ва словакиялик Карол Бек ўтасидан бўлиб ўтди. Бир неча ой аввал словакиялик ўйинчи Италияning Бергамо шаҳрида ўтказилган челленжер турнирда Мюллер устидан галаба қозонганди.

Тошкентда бу рақибларнинг яна бир учрашви руҳий жиҳатдан нечоглик осон бўлмаганинг англази кийин эмас. Бунга 2 соат 45 дақиқа давом этган баҳс далилдор. Иккала ўйинчи ҳам дэйри ҳар сонида бир биридан ортда қолишни истамаган холда бирин-кетин очколарни ўлга киритишга ҳаракат килиб, шу тарика ўйиннинг узок давом этишига замин яратишид. Дастиблики Мюллер ўз фойдасига (7/6) хисобида ҳал этган бўлса, кейинги иккита седта словакиялик ўйинчи бирор бўлсада, ўз рақибдан уддабуронлигини кўрсатди (6/4, 7/5).

— Мамлакатимиз пойтахтида ўтказиб келинаётган кўлпаб халқаро турнирларда янги янги nomarлар кашф этилаётгани албатта, бизни қуонтиради. Голиблик наисбет этган юрт уларнинг ёдиди узок хотирланниб колишига шубҳа йўқ, — деди «Tashkent challenger-2010» турнири совиндорларни кутлаш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Абдукахор Тўхтаев. — Республикаизминг олтига шахри ATP тақвимидан

жой олгани эса аввалимбор Ўзбекистоннинг професионал теннис ривожига кўшиб келаётган катта хиссаси эътирофири. Юртбумиз рахнамолигида Ўзбекистон кўллаб халқаро мусобақалар, шу жумладан теннистурнирларининг йирик майдонига айланниб ултурганига бачамиз гувоҳмиз.

Професионал теннисчилар уюшмаси ҳар йили дунёнинг



янги директорлар кенгашини сийлашиди, Дэвис кубоги ва Федерация кубогини ўтказиш жараёнга жиддий ўзғаршилар киритиш лозимлиги тасдиқланди, бир катор миллий федерациялар мақомини ошириш масаласи маъкулланди, шунингдек, «Жаҳон тенниси тараққиётига кўшган хиссаси» учун мукофотининг соҳиблари маълум килинди. Ўзбекистон теннис

барининг бевосита теннисни кўллаб-куватлаб келаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро теннис Федерацииси нинг Мадрид конгрессидан бир овоздан Ўзбекистоннинг овоз бериш хуқуқини учтадан бештагача ошириша қарор килинди. Ҳамдўстлик давлатлари учун бу катта натижа. Россия таққизат овоғига ега, қолган давлатлар — биттадан учтагача.

— Кўп мамлакатларда бўлганман, — деди Гилес Мюллер, — аммо хеч кеада совиндорларга бундай юксак эътиборни кўрмаганман. Тегиши хуҷжатларни расмийлаштирасанда ва хайр... Ўзбекистонда кенг томошабинлар даврасида ҳамда мартабали инсонлар иштирокида тантанали маросим ўтказил, совсаломлар бўлди, голиб ва менга зар чопон кийдиришиди. Чексиз хиссиятлар огушидаман... Тушунишиб беришганидек, чопон устидан белбоғ боғлишининг маъноси шуки, эрракин белида белбоғ бўлиши — куч-кудрат, кучли ирова демакидир. Олижаноб урф! Буни айниқса, спортчилар учун алоҳида мадад деб англадим.

... «Tashkent challenger-2010» турнири ёлиқ деб ёлан қилинди. Ўзбекистонда теннис мавсумига ҳам якун ясалди. Бирор мамлакатимиз спортчилари халқаро майдонларда беляшувларни давом эттироқда. Келгуси йилда ўтказиладиган «Катта дублага» турнирдаги мусобақаларга тайёргарлик айни кунларда қизғин кечмоқда. Миллий терма жамоамиз етакчиси Денис Истомин ҳам янги мавсумни бошлаб берадиган «Австралиан опен» турнирига ҳозирлик кўрмоқда. Эслатиб ўтамиш, ҳаморгимиз дунё таснифида 44-погонанинг егаллаб турибди. Барча теннисчилари мизга юртимиз шаҳнини жаҳон майдонларида муносиб химоя килинди омад ва мудафакиятлар тилап қорлами.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА  
Хакимжон Солихов олган суратлар.

## Tashkent challenger-2010

### МЕҲМОНДЎСТИЛГИНГИЗ БИЗНИ ЛОЛ ҶОЛДИРДИ

қирқдан зиёд мамлакатида 160 та мусобақа уюштиради. Умумий мукофот жамғармаси 10 миллион долларни жамаган бу турнирлар ичидан Андижон, Наманган (фьючерс), Сарманд, Карши, Фарғона ва Тошкент челленжерлари ҳам ўз ўрнига эга. «Tashkent challenger-2010» турнири бу сафар ҳам мамлакатимизнинг нуфузли мусобақаларни ташкил этиш бобидаги имкониятларни яна бирор кенг на мойш этиди.

— Ўзбекистоннинг теннис ривожида эришган мудафакиатларни халқаро теннис федерациясининг конгрессидан юқори баҳоланди, — таъкидлаб ўтди «Tashkent challenger-2010» турнири директори Шуронгам Утратапи. — Ушбу тадбирга даряли юзта мамлакатдан ташкил буорган 300 дан зиёд делегатлар ITFнинг 2011 йилгача

федерациясининг сермазмун ва сермасул фоалияти жаҳон теннис оламига яхши аён, буни республикангизга кўп марта ташриф буорган Халқаро теннис федерацияси президенти ҳам алоҳида қайд этган. Мамлакатингизда бир катор халқаро ўсминалар мусобақалари, кўлпаб фьючерс ва челленжер турнирлари, аёллар ўтасидан WTA Тошкент очик чемпионати ўтказиб келинмоқда. Аёллар ва эркаклар миллий терма жамоалари жаҳон чемпионатларидан яхши ютуқларга эришмоқда. Ўзбекистон Осиёда теннисни ривожлантириш борасида катта ҳажмадаги ишларни амалга оширган. ITF эътирофига кўра; Ўзбекистон Осиё теннис федерациясининг энг обрўли аъзоларидан бири, Марказий Осиё ҳудудида ҳаққиёти теннис етакчиси, конгрессда таъкидланганидек, бу борада мамлакат рах-

ӯзбекистон теннис федерациясининг «Жаҳон тенниси тараққиётига кўшган хиссаси» учун мукофотига сазовор бўлиши мустақил давлатнинг дунё тенниси оиласидан муносиб ўрин эгаллаётганини намоён этиди. — Тошкент ҳақиқатан ҳам узок, вакт ёдимда қолади. Мехмоннавозлигингизнинг чексизлиги менинг қолдирди, — деди турнир голиби Карол Бек. — Шоҳсупани забт этишимга айнан меҳмондўстлик ришталари ўзига хос турти бўлди десам, аддамайман. Келгуси ҳам юртингизга албатта, яна ташриф буюриб, ўз миннатдорчилгимни билдираман. Гап факат беллашши ҳақида эмас. Ишончим комилки, Тошкентдаги галабам менинг келгусида юқори чўққипарни забт этишимда мустаҳкам пойдевор бўлади.



### Кўргазмалар

### ГИЛАМЛАР ЖИЛОСИ

Юртимизда бирон бир хонадонни гиламсиз тасаввур килиб бўлмайди. Биринчидан гўзал, нақшнинг гиламлар хонадонимиз кўркига кўр бағишлайди, албатта.

Мынумки, гиламлар уйга тўшалади, хонадон деворларини безайди, қадимда эса ҳатто ундан мебель сифатида ҳам фойдаланышган. Ўз ҳунарнинг устаси томонидан яратилган гилам эса қалбларга илқилингизни кўзларга кувонч баҳш этади.

— Ўзбекистонда гиламдўзлий қадим

дикъати даврлардан ривож топган, унинг турлари ва нақшлари бекиёс, хилмашил, — деди «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Зулфия Юсполова. — Гиламларга дикъат билан назар солсангиз, нақши ва рангида Бухоро, Хива ёки Самарқанд, Кашиқадар ёки Сурхондарёга мансублиги дархол намоён бўлади. Бу санъат авлоддан авлодга, онадан кизга ўтади. Гиламларга йигирлиган калава учун ҳар деним майн кўй жуннинг фикат узун ва нозик толаси танланган. Гилам зич, лекин юмшок бўлиши учун йигирлиган иш қанчалик ингича бўлса, патлар шунчалик момик ва тугуни кўп бўлади. Кўргазмада намоишига кўйилган гиламларнинг зичлиги квадрат де-

### Спорт янгиликлари

#### ГЕРМАНИЯДАН ОЛТИН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Германиянинг Франкфурт шаҳрида дзюдо бўйича ўшлар ўтасида нуфузли Гран-при турнири уюштирилди.

Чархи мусобақада курраи заминнинг кўпгина мамлакатларидан келган дзюдоочилар катори голиблик учун кураш олиб борган Ўзбекистон терма жамоасига омад кубиб бокди. Қуонарни жиҳати шундаки, Ватаннимиз шаҳзод Собиров, Гулшода Матнёзова, Диёрбек Ўрзобеевлар турнирга пухта тайёргарлик кўрганликларини намоиш этиб, ўз вазн тоғифларни бирини ўринин кўлга киритишиди.

#### ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

2011 йилда Қатарда футбол бўйича уюштириладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси октябрь ойидан Саудия Арабистони ва Бахрайн терма жамоалари билан сафарда назорат-ўртоқлик учрашувидан куч сишағанидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Куни кече Ўзбекистон футбол федерацияси ташабуси билан мутахассислар, мураббийлар ва оммавий аҳборот вositалари вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анхумани ўртоқлик учрашувлари якунлари багишланди. Ўнда иштирок этган бош мураббий Вадим Абрамов ўйинлардан анча кўнгли тўлғанлигини, ҳозиргача таркибида йигирмадан зиёд футболчи синаф кўрилганлигини маълум килиди.

Унинг таъкидлашича, Саудия Арабистони терма жамоасига бой берилган учрашувда марказий химоячилар ҳамда бosh ҳакам кўпол католик йўл кўйишган. Биринчи бўлумининг ўзида ҳакамнинг ташунарсиз хатти-ҳаракатлари туфайли терма жамоасиз аъзоларининг руҳи тушиб кетган. Бахрайнлар билан кечган баҳса эса майдонга гала башада иштиёқида тушган футbolchilarimiz сермазмун ўйин намоиш этишиди. Натижада гала бозонишининг үдасидан чикишиди.

Ноябр ойидан ҳам ўкув машғулот йигинлари давом этади. Имкон қадар иккита ўртоқлик учрашуда футbolchilarimizнинг руҳий, жисмоний тайёргарлиги яна кўздан кечирилади. Декабр ойидан эса терма жамоасиз Тунисда ўкув-машғулот йигинларини ўтказади. Машғулот йигинларни доирасида Тунис, Ливия терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ташкил этилади.

#### ПОЙТАХТЛИК ёШ БОКСЧИЛАР – ТУРНИР ГОЛИБИ

Бекобод шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмусида бокс бўйича уюштирилган ўшлар ўтасидаги халқаро турнир Баркамол авлод йилига багишилди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар ёш спортчилари каторида Украина ва Россияндан келган умидли чарм кўлқоп усталири ҳам боранг буарашни ўзаро кураш олиб борган шаҳар турнирида ўшларнинг бора бўлади. Шуниси қуонарники, беллашувлар муросасиз ва кизиклари курашлар остида кечди. Умумхамоа хисобида биринчи ўрин пойтойт жамоасига наисбет этиди. Навийд қадар қорақалпогистонлик ёш чарм кўлқоп усталирининг маҳорати ҳам мутахассислару мухлислар эътирофига сазовор бўлди.

Турнир якунлари голиб ва совиндорларга совғалар топширилди. Акбар Йўлдошев

### Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўпчилари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва аҳборот  
бошқармасида 02-1-ракам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
оффсет усулида босилади.  
265 нусхада босилди.  
Қўзбончи А-2



### МАШРИҚЗАМИН – ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

#### «ФАРОЙИБ УС-СИФАР»ДАН

Даҳр торожи қилур урён  
чаман раъноларин  
Елдин ун чекмас йигочларким,  
чаман афғонидур.

Эй Навоий, билки тонг  
отқунча йиглар ҳар кече  
Чархдек ҳар кимки, бир  
бадмехр саргардонидур.

Тавсани гардунни маркаб  
қилмаким,  
Ер била роқибни охир  
тeng қилур.